Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 17 (146) • 2008 йил 25 апрель

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАР КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага* мувофиқ;

2008-2010 йиллардаги даврда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сони кўпайишининг мақсадли параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

2008-2010 йилларда суғориладиган ерларда ем-хашак экинлари майдонларининг ҳисоблаб чиқилган прогнози 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммаларига мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банкларининг 4-иловага* мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика «Ўзнаслчилик» корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди.

«Ўзқишлоқмашлизинг» компанияси маҳаллий корхоналар – «Агрегат заводи» ОАЖ ва «Урганчеммаш» АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ем-хашакни йиғиштириб оладиган техникани қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида берилишини ташкил этсин.

«Ўздонмаҳсулот» АК 5-иловадаги* прогноз ҳажмларига мувофиқ фермер хўжаликлари ихтиёрида қолаётган, чорвачилик учун тўлақонли омихта ем ишлаб чиқаришнинг оширилишини таъминлайдиган омихта ем саноатини модернизация қилиш ва қўшимча дон ресурслари харид қилишни ташкил этишнинг аниқ чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарори 3 ва 4-бандлари, шунингдек, мазкур қарорнинг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2008 йилнинг ҳосилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда чигитни қайта ишлашдан олинадиган шрот ва шелуха Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали тўла-тўкис ички бозор ҳамда экспортга сотилиши керак.

Ем, шу билан бирга шрот ва шелуханинг экспортга сотилиши эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси (Ш.М.Мирзиёев):

бир ой муддатда ем-хашак, жумладан, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган пунктлар тармоғини инвентаризациядан ўтказсин, бунда уларнинг вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича оқилона жойлаштирилишини, ем-хашак истеъмолчилари – фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгаларининг улардан кенг фойдаланиши таъминланишини назарда тутсин;

инвентаризация натижаларига кўра, вилоят ва туманлар доирасида ем-хашак, шу жумладан омихта ем, шрот ва шелуха сотиш бўйича ихтисослаштирилган ягона пунктлар тармоғини кенгайтириш ва оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин.

Мазкур ихтисослаштирилган ягона пунктлар негизида туман ва вилоят бирлашмалари ташкил этилсин. Ушбу бирлашмалар зиммасига Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали ем-хашак, жумладан, омихта ем, шрот, шелуха ва бошқалар харид қилиниши, уларнинг етказиб берилиши ҳамда фермерлар ва аҳолига сотилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари, «Ўздонмаҳсулот» АК ва Ёғ-мой ҳамда озиқ-овқат саноати уюшмаси раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

2008 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича ушбу ишлар натижалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида муҳокама қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Давлат Бош ветеринария бошқармаси зооветеринария пунктларини, камида 10 йил мобайнида уларнинг фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шарти билан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. «Пахта-банк» АТБ ва бошқа тижорат банкларига имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит бериш йўли билан зооветеринария хизмати кўрсатиш ҳамда молларни сунъий урчитиш корхоналарига зарур зоотехник ва лаборатория жиҳозлари ҳамда транспорт воситаларини сотиб олишда устувор тартибда кўмаклашиш тавсия этилсин.

«Ўзқишлоқмашлизинг» компанияси зооветеринария хизмати кўрсатиш корхоналари учун зоотехник ва лаборатория жиҳозлари лизинг асосида етказиб берилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврда, истисно тариқасида:

наслчилик иши корхоналари ва Республика «Ўзнаслчилик» корхонаси асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

наслчилик чорвачилик хўжаликлари, наслчилик иши корхоналари, паррандачилик корхоналари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, «Ўззооветтаъминотхизмат» бирлашмаси олиб келинадиган наслчилик материали, зооветеринария хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун технология ва ёрдамчи ускуналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича омихта ем ишлаб чиқариш компонентлари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

зооветеринария пунктлари – корхонани рўйхатга олишда ва ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия беришда давлат божи тўлашдан;

фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари – чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, унинг қайта ишланган маҳсулотини сотиш тушумидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси оммавий ахборот воситаларида чорвачиликни ривожлантириш ҳамда уни юритиш, маҳсулдор молларни яратиш ва боқишнинг замонавий усуллари, қишлоқда чорвачиликнинг бозор инфратузилмасини кенгайтириш илғор тажрибасини тарғиб этиш масалаларини ёритиш бўйича махсус дастурлар ва рукнлар ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари 6-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси***
***Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 21 апрель.*

***1-6-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди.**

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ТУГАЛЛАНМАГАН ЖИНОЯТ УЧУН ЧЕКЛАНГАН ЖАЗО

**2008 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-152-сон Қонун билан Жиноят кодексининг 58-моддаси тўлдирилди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Унга мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек бир қатор бошқа жиноятлар учун қўлланилмайди.

**Қонун 2008 йил 12 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### ВАСИЙ БЎЛИШИ ШАРТ

**2008 йил 16 апрелдаги «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» ЎРҚ-153-сон Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Чунончи, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартишларга кўра фуқаролар йиғини раисига вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашиш вазифаси юклатилади.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш билан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун аҳлоқ тузатиш иш-

3-бетда

УШБУ СОНДА

1, 3, 5-бетлар — Янги ҳужжатларда қандай янгиликлар бор?
4-бет — Май: солиқ тўловчининг тақвими
6-бет — Апрелда даромаддан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби
7-10-бетлар — Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

$1 = 1303,92 сўм €1 = 2063,58 £1 = 2570,42 сўм ¥10 = 128,17 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra •Jannat Makon•7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
www.interpress.uz
pr44_045
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 21 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАР КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-842-ҚАРОРИГА

## ШАРҲ

Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси бандлигининг ўсиши, унинг даромади ва умуман турмуш даражасини ошириш, ички бозорни ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари – гўшт, сут, мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу масалада ушбу хўжаликларда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қонунчиликда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол парваришлаш билан банд шахслар иш билан банд аҳоли тоифасига киритилиши, уларга меҳнат дафтарчаси берилиши ва иш стажи ҳисобга олиниши, улар пенсия ёшига етганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

2006 йилнинг мартида қабул қилинган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурининг амалга оширилиши бугун ўзининг сезиларли натижаларини бермоқда.

Масалан, 2006 йилдан то ҳозиргача бўлган даврда республикада қорамоллар сони бир миллион бошдан кўпроққа ошди ва қарийб 7,4 миллионтани ташкил этади. Шунинг 6,9 миллиондан ортиғи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келади.

Чорва молларини сотиб олиш учун тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан кейинги икки йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида 108 мингта оилага 93 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бу борада кам таъминланган оилаларни бепул сигир бериш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан то ҳозирги пайтгача бундай оилаларга 91 минг бошдан ортиқ қорамол тарқатилди.

Чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатадиган инфратузилма тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда. Мисол учун, 2006 йилдан буён республикада қўшимча равишда 417 та зооветеринария пунктлари ташкил этилди, бугунги кунда уларнинг сони қарийб 2,2 мингтага етди. Молларни сунъий урчитиш бўйича 429 та пункт очилиб, уларнинг сони тахминан мингтага етказилди. Асосан қишлоқ жойларда омихта ем, шрот ва шелуха сотиш бўйича 700 дан ортиқ ихтисослаштирилган пункт ишлаб турибди. Уларнинг сони бугун 1 150 тадан ортди.

Аҳоли ва фермер хўжаликларида чорва моллар сонини кўпайтиришга доир чора-тадбирларнинг аввало, қишлоқ аҳолиси учун катта иқтисодий, айниқса ижтимоий аҳамиятини назарда тутган ҳолда, 2008 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор, авваламбор, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтиришни рағбатлантириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ва даромадларини оширишга, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашга қаратилган.

Ушбу мақсадга эришиш учун шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун наслчилик ишини такомиллаштириш, омихта ем ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ветеринария хизматлари кўрсатишни яхшилаш ва бошқалар бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутувчи қулай шарт-шароитлар яратишга оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Наслчилик ишини тубдан яхшилаш соҳасида Республика «Ўзнаслчилик» корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари кенг тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларини сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш, урчитувчи техниклар ва ветеринар мутахассисларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича мунтазам курслар ташкил этиш кўзда тутилган.

Озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, чорва молларни парваришлаш билан шуғулланадиган аҳоли ва фермерларнинг юқори маҳсулдор озуқа – омихта ем, шрот ва шелухадан кенг фойдаланишини таъминлаш – чорвачиликни барқарор ва жадал ривожлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун 2007 йилда озуқа экинлари учун мўлжалланган 290 минг гектар майдонни 2010 йилда 330 минг гектаргача кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бунда чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғориладиган ерлар фақат ем-хашак экинлари учун мўлжалланган бўлиб, улардан давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди. Омихта ем ишлаб чиқариш ҳажмини 2007 йилдаги 600 минг тоннадан 2010 йилда 900 минг тоннагача кўпайтириш ёки 1,5 бараварга ошириш назарда тутилган.

Бугунги кунда қорамолларнинг 94 фоизидан ортиғи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгалари тасарруфида эканини ҳисобга олсак, уларни сифатли озуқа билан ишончли таъминлаш нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани янада ойдинлашади.

Шу мақсадда озуқа сотиш бўйича мавжуд ихтисослаштирилган пунктлар тармоғини, бунда уларнинг вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича оқилона жойлаштирилишини синчиклаб инвентаризациядан ўтказиш ва бунинг натижасида ушбу пунктлар тармоғини сезиларли даражада кенгайтириш, ем-хашак истеъмолчилари – фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгаларининг улардан кенг фойдаланишини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўриш топширилди. Бунда омихта ем, шрот, шелуха, кепак ва бошқа озуқа турларини харид қилиш мумкин бўлган озуқа сотиш бўйича ягона ихтисослаштирилган пунктларни ташкил этиш назарда тутилган.

Ушбу пунктларни зарур озуқа ресурслари билан таъминлаш учун уларнинг негизида туман ва вилоят бирлашмалари ташкил этиш кўзда тутилган. Улар зиммасига Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида очиқ биржа савдолари орқали озуқа сотиб олиш, уларнинг етказиб берилиши, фермерлар ва аҳолига сотилиши юзасидан масъулият юкланди. Вилоят ва туманлар ҳокимликлари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раҳбарлари озуқа сотиш бўйича ягона ихтисослаштирилган пунктларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун бевосита жавобгардирлар.

Шу муносабат билан чигитни қайта ишлашдан олинадиган шрот ва шелуха каби ғоят муҳим озуқани сотиш тартиби тубдан ўзгармоқда. Қарорга мувофиқ шрот ва шелуха ресурслари фақат Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида очиқ биржа савдолари орқали ички бозор ва экспортга сотилади.

Бундай тартибни жорий этиш натижасида эски, ўзини оқламаган тақсимлаш тизимига тўла барҳам берилади, ҳақиқий бозор механизмлари ва тамойилларига ўтиш таъминланади. Бу, ўз навбатида:

биринчидан, барча истеъмолчиларнинг муҳим озуқа ресурсларидан кенг равишда, тенглик асосида, очиқ ва ошкора фойдаланишини таъминлаш;

иккинчидан, озуқа учун нарх белгилашнинг уларни сотишда инсофсизлик ва суиистеъмол қилишни, нархларни сунъий оширишни истисно қилувчи бозор механизмини жорий этиш;

учинчидан, озуқа ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотишда иштирок этадиган бўғинлар сонини қисқартириш ҳисобидан жами сарф-харажатларни камайтириш, бинобарин, озуқа нархларини асоссиз ва чайқовчилик мақсадида оширишга йўл қўймаслик;

тўртинчидан, озуқа ишлаб чиқариш ва сотиш тизимида кўп йиллар мобайнида шаклланган порахўрлик алоқалари, фирибгарлик, қўшиб ёзиш, ўғрилик каби иллатларни тугатиш имконини беради.

Ветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини янада яхшилаш, ветеринария лабораториялари ва зооветеринария пунктларини замонавий ускуналар ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш, уларни малакали мутахассислар билан тўлдиришга доир белгиланган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизматларни кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида Давлат Бош ветеринария бошқармаси зооветеринария пунктларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш кўзда тутилган, ушбу фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсат олиш (лицензиялар) тартибини соддалаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди, хусусий ветеринария пунктлари 2012 йилнинг 1 январигача уларни рўйхатга олишда давлат божини тўлашдан озод этилди.

Шубҳасиз, қарорда кўзда тутилган кенг кўламли солиқ имтиёзлари ва преференциялар, шунингдек, аҳоли ва фермерларнинг чорва моллари сотиб олиш учун кредитлардан фойдаланишини кенгайтириш ҳам чорвачиликни жадал ривожлантиришга ёрдам беради.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигини юритаётган аҳолининг маҳсулдор моллар сотиб олиши учун тижорат банклари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси томонидан микрокредитлар ажратилишини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу мақсадлар учун 2008-2010 йилларда 120,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Бу ўтган йилларга қараганда 30 фоизга кўпдир.

Қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошириш 2010 йилда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини 8,6 миллион бошга етказиш ёки 1,7 миллионтага ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар сонини сезиларли даражада кўпайтириш, уларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш имконини беради.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 22 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1211,99 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2570,42 |
| 1 Дания кронаси | 276,70 |
| 1 БАА дирҳами | 355,04 |
| 1 АҚШ доллари | 1303,92 |
| 1 Миср фунти | 240,56 |
| 1 Исландия кронаси | 17,55 |
| 1 Канада доллари | 1285,54 |
| 1 Хитой юани | 186,44 |
| 1 Малайзия ринггити | 413,21 |
| 1 Польша злотийси | 604,06 |
| 1 СДР | 2141,77 |
| 1 Туркия лираси | 990,22 |
| 1 Швейцария франки | 1297,95 |
| 1 ЕВРО | 2063,58 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,17 |
| 10 Япония иенаси | 128,17 |
| 1 Россия рубли | 55,62 |
| 1 Украина гривнаси | 258,20 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 23.04.2008 | 1 | 0,8276 | 1 | 1,3235 | 1 | 0,0355 |
| Арманистон | 23.04.2008 | 1 | 309,68 | 1 | 494,53 | 1 | 13,27 |
| Беларуссия | 24.04.2008 | 1 | 2142,00 | 1 | 3424,31 | 1 | 91,75 |
| Грузия | 23.04.2008 | 1 | 1,4545 | 1 | 2,3119 | 1 | 0,0621 |
| Қозоғистон | 24.04.2008 | 1 | 120,36 | 1 | 192,19 | 1 | 5,16 |
| Қирғизистон | 19.04.2008 | 1 | 36,432 | 1 | 58,0544 | 1 | 1,5589 |
| Латвия | 24.04.2008 | 1 | 0,439 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0188 |
| Литва | 24.04.2008 | 1 | 2,1627 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,2653 |
| Молдова | 23.04.2008 | 1 | 10,4034 | 1 | 16,572 | 1 | 0,4451 |
| Тожикистон | 23.04.2008 | 1 | 3,4287 | 1 | 5,4509 | 10 | 1,4634 |
| Ўзбекистон | 22.04.2008 | 1 | 1303,92 | 1 | 2063,58 | 1 | 55,62 |
| Украина | 23.04.2008 | 100 | 505,00 | 100 | 804,5155 | 10 | 2,1554 |
| Эстония | 23.04.2008 | 1 | 9,79811 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,419781 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

**УШБУ СОНДА:**

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**

-ЎзР Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори

– ЎзР Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-қарорига шарҳ

– Валюталар курси *1-2-бетлар*

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Ташқи иқтисодий фаолият янада фаолроқ бўлади 1, 3, 5-бетлар

✓ **СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР**

– Солиқ тўловчининг тақвими ***4-бет***

✓ **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**

– 2008 йилнинг апрель ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби 6-бет

✓ **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси қонунлари:**

– «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»;

– «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:**

– «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;

– «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:**

– «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

**Идоравий-меъёрий ҳужжат:**

– ЎзР соғлиқни сақлаш вазирининг «Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

✓ Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 15 мартдан 28 мартгача бўлган маълумот.

***7-10-бетлар***

✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** ***11-16-бетлар***

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

ларининг муддати 3 йилдан 2 йилга ўзгартирилди. Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. ЖКга бошқа қўшимчалар ҳам киритилган.

Оила ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

**Қонун 2008 йил 17 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ИНСОН ҚАДРИ

**2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ЎРҚ-154-сон Қонун** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Уни таъминлайдиган асосий органлар этиб Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа органлар белгиланди. Уларни мувофиқлаштириш учун шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби ЎзР Президенти томонидан белгиланадиган Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини, озиқ-овқат, дори воситалари таъминлаш; уларга шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш.

**Қонун 2008 йил 18 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ЯРМАРКА ВА БИРЖА – ИККИСИ БИРДА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 апрелдаги «Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 67-сон қарори билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* «Ўзэкспомарказ» МКК ОАЖ тузилмасида Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

– Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг мунтазам асосда ўтказилишини ташкил этиш;

– ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар тўғрисида, бунинг учун ишлаб чиқариш ва технологик ресурсларга эга бўлган мамлакатимиз корхоналари тўғрисида маълумотларнинг ахборотлар базасини, юритиш ва хўжалик юритувчи субъектларни улардан кенг хабардор қилиш;

– шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда кўмаклашиш;

– Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкилий қўмитаси қарорларини амалга ошириш.

Қарор билан Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органининг тузилмаси; Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ижро этувчи органи фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом; Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

## ПОЧТАДАГИ ҲИСОБ

**Молия вазирлиги, Марказий банк бошқаруви ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қарори** *(АВ томонидан 2008 йил 14 апрелда 1790-сон билан рўйхатдан ўтказилди)* **билан «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Низом «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва унинг почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва объектларига татбиқ этилади.

Ҳужжат талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларини очиш ва ёпиш тартибини, улардаги пул маблағларининг келиб тушиш манбалари ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди ҳамда мазкур ҳисобварақлар бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятларини тартибга солади.

**2008 йил 24 апрелдан кучга кирди.**

## ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ТАШИШ ҚОИДАЛАРИ

**Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2008 йил 16 апрелда 1791-сон билан рўйхатдан ўтказилди)* билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Ҳужжат қоидалари ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларининг экспертиза ва тезкор-қидирув фаолиятида, шунингдек Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари фаолиятида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар (ГПП)лардан фойдаланишда татбиқ этилмайди.

ГППларни юридик шахслар томонидан автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш ички ишлар органлари томонидан бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги 293-сон қарорининг 3, 4-иловаларида келтирилган II, III рўйхатларига киритилмаган мураккаб (таркибида ГППлар мавжуд бўлган) дори воситаларини ташишда рухсатнома расмийлаштирилиши талаб қилинмайди. ГППларни ташиш учун рухсатнома бир йиллик ва бир марталик бўлиши мумкин. ГППларни туман (шаҳар) ҳудудида ташиш рухсатномасисиз база раҳбари ёки юк жўнатувчи томонидан берилган йўл-кузатувчи ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

**2008 йил 26 апрелдан кучга киради.**




## НАҚД ПУЛГА ШАХСАН ЖАВОБГАР

**Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори** *(АВ томонидан 2008 йил 16 апрелда 1792-сон билан рўйхатдан ўтказилди)* **билан Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

Ҳужжат давлат солиқ хизмати, банклар ва инкассация хизматининг мансабдор шахсларига тааллуқли бўлиб, уларни рағбатлантириш ва нақд пул тушуми тушиши учун уларнинг масъулиятини ошириш тартибини белгилайди. Мисол учун, ҳисобот ойи якуни бўйича тегишли ҳудудлардаги тижорат банклари кассаларига инкассация хизмати орқали топширилган нақд пул тушумининг ўтган ойдагига нисбатан камида 5 фоиз миқдорда ўсишини таъминлаганлик учун ходим мансаб маошининг 20 фоизигача миқдорда рағбатлантирилади.

**2008 йил 26 апрелдан кучга киради.**

## ПАТЕНТНИ УЗАЙТИРИШ

**Давлат патент идораси директорининг буйруғи** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* **билан Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидалари тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 16 апрелда 1793-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*** Бундай патентнинг амал қилиш муддати селекция ютуғи тегишли давлат реестрида рўйхатга олинган санадан эътиборан йигирма йилга тенг. Ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари учун, бу муддат йигирма беш йилни ташкил этади. Патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин. Илтимосномага патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Ишончнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида барча керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг Қоидаларнинг талабларига мос келиши текширилади. Тақдим этилган ҳужжатлар қоидаларнинг талабларига мос келганида патентнинг амал қилиши узайтирилади.

**2008 йил 26 апрелдан кучга киради.**

* * *

**Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 16 апрелда 834-17-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

Ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу Йўриқномани Президентнинг 2008 йил 27 мартдаги

5-бетда

ИҚТИСОДЧИЛАР, ЮРИСТЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"NORMA" нашриёти

иқтисодий-ҳуқуқий мавзуларда ишланган қўлёзмалар, китоб макетларини 2008 йилнинг II ярмида китоб чиқариш режасига киритиш учун кўриб чиқишга тайёр.




Буюртманомаларни **244-44-45** факси орқали юборинг (шаклини **www.norma.uz** сайтида кўринг)
Маълумотлар қуйидаги телефонлар орқали: **244-89-17, 244-81-30.**

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

*2008 йил 22 апрель ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси*

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотув | харид | сотув |
| ЎзР ТИФ МБ | 1314,00 | 1316,00 | 2049,00 | 2079,00 |
| "Асака" банки | 1314,00 | 1316,00 | 2064,00 | 2069,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1315,00 | 1317,00 | 2065,00 | 2079,00 |
| "Пахта Банк" | 1315,00 | 1317,00 | 2070,00 | 2075,00 |
| "Халқ банк"и | 1314,00 | 1316,00 | 2064,00 | 2075,00 |
| "Ипотекабанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2064,00 | 2070,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2081,00 | 2084,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1314,00 | 1317,00 | 2090,00 | 2096,00 |
| "UzKDBбанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2064,00 | 2082,00 |
| "Ғаллабанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2064,00 | 2073,00 |
| "Трастбанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2064,00 | 2074,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1314,00 | 1316,00 | 2073,00 | 2078,00 |
| "Алоқабанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2065,00 | 2096,00 |
| "Ў-Т банк" | 1314,00 | 1317,00 | 2064,00 | 2084,00 |
| "Туронбанк" | 1314,00 | 1316,00 | 2060,00 | 2090,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1315,00 | 1317,00 | 2065,00 | 2090,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1315,00 | 1317,00 | 2020,00 | 2045,00 |
| "Туркистон" банк | 1315,00 | 1317,00 | 2060,00 | 2065,00 |
| "Даврбанк" | 1314,00 | 1317,00 | 2064,00 | 2085,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1315,00 | 1317,00 | 2064,00 | 2094,00 |
| "Капитал банк" | 1315,00 | 1317,00 | 2063,60 | 2094,00 |
| "Содерат банк" | 1314,00 | 1316,00 | 2049,00 | 2079,00 |
| "Универсалбанк" | 1315,00 | 1317,00 | 2081,00 | 2084,00 |
| "Парвинабанк" | 1314,00 | 1317,00 | 2066,00 | 2069,00 |
| "Равнақбанк" | 1314,00 | 1316,00 | 2049,00 | 2079,00 |

*«Банк ахборотномаси» 18 (625)-сон, 2008 йил 23 апрель.*

РЕКЛАМА



# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

## 2008 ЙИЛ МАЙ (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН)





**ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):**
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 167
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 171
36 соатли иш ҳафтасида – 155

**ИШ КУНЛАРИ СОНИ:**
5 кунлик иш ҳафтасида – 21
6 кунлик иш ҳафтасида – 26

### 3

**– апрель ойининг III ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);*

***

**– апрель ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).*

### 5

**– апрель ойи учун акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик мойи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.**

### 9

**– апрель ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 44-банди);*

***

**– 2008 йилнинг I чораги учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар томонидан молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни** *(АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида низомнинг 1-банди).*

### 10

**– апрель ойи учун ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);*

***

**– апрель ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 310-модда, тўртинчи қисм).*

### 13

**– май ойининг I ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);*

**– май ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).*

### 14

**– май ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни**** *(Солиқ кодекси, 164-модда, учинчи қисм);*

**– апрель ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 1 фоиз миқдорида бадаллар тўлангани ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни** *(ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди);*

**– 2008 йилнинг II чораги учун ер солиғини тўлашнинг сўнгги куни***** *(Солиқ кодекси, 286-модда, биринчи қисм).*

### 15

**– май ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни****** *(Солиқ кодекси, 300-модда, бешинчи ва олтинчи қисмлар);*

**– апрель ойи учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва уларни тўлашнинг сўнгги куни*** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари).*

### 23

**– май ойининг II ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);*

**– май ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).*

### 24

**– апрель ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни******* *(Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);*

***

**– апрель ойи учун цементга ва табиий газга қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 21.02.2008 йилда 1772-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.03.2008 йилда 1776-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-банди).*

### 25

**– апрель ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);*

***

**– апрель ойи учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 239-модда);*

**– апрель ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 247-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);*

**– май ойи учун бюджетга мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 271-модда, учинчи қисм);*

**– апрель ойи учун транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);*

**– апрель ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 319-модда, иккинчи қисм);*

**– апрель ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмаларни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 319-модда, учинчи қисм);*

**– апрель ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 315-модда, иккинчи қисм);*

**– апрель ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмаларни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 315-модда, учинчи қисм);*

**– апрель ойи учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни (ҳисоб-китобни ҳар чоракда тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)** *(Солиқ кодекси, 360-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар);*

**– апрель ойи учун фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 372-модда, еттинчи қисм).*

**) солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари;*

***) ҳисобот давридаги кутилаётган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ташқари. Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга фойда солиғи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларидан фойда солиғи бюджетга мазкур тўловларни тўлаш кунидан кечиктирмасдан ўтказилади;*

****) ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғи қуйидаги муддатларда тўланади:*
*ҳисобот йилининг 1 июлига қадар – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;*
*ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;*
*ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – солиқнинг қолган суммаси;*

*****) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари қуйидагилар томонидан тўланмайди:*
*ҳисобот давридаги солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг 200 бароборигача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар томонидан;*
*ўтган ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича харажатлари суммаси солиқ солинадиган базага тенг ёки ундан кўп бўлган солиқ тўловчилар томонидан;*
*ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан;*

******) қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари;*

*******) муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.*

**!** **Солиқ тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Norma» АҲТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.**

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

3-бетда

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–823-сон қарорига мувофиқлаштиради. Преференциялар, имтиёзлар ва божхона тўловларини тўлашнинг бошқа хусусиятлари классификаторининг янги таҳрири қабул қилинди. Йўриқнома шунингдек Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ва БЮДнинг 44-устунидаги маълумотлар келтирилганда фойдаланиладиган ҳужжатлар классификатори билан ҳам тўлдирилди.

**2008 йил 26 апрелдан кучга киради.**

### МАЗУТ БИРЖАДА СОТИЛАДИ

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори билан Биржа савдоларида мазут ёқилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 17 апрелда 1795-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Низом мазут ёқилғиси ишлаб чиқарадиган, етказиб берадиган ва ундан фойдаланадиган Ўзбекистон резиденти бўлган корхона ва ташкилотларга (давлат бюджетидан молияланадиган ташкилотлар, «Ўзбекэнерго» ДАК, НКМК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари, «Иссиқлик манбаи» минтақавий ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Тошиссиқликцентраль» бирлашмасидан ташқари) татбиқ этилади. Сотиб олинган мазут ёқилғиси фақат республика ҳудудида фойдаланиши мумкин, уни экспортга чиқариш ва қайта сотиш мумкин эмас.

Маҳсулотни сотиш ҳажмлари ҳар йили тасдиқланадиган нефть маҳсулотларини ресурслар ва тақсимланиш балансидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Сотувчилар ҳар йили биржа билан биргаликдаги фаолият тўғрисида сотувчиларнинг биржа савдоларида иштирок этиш шартлари, шартнома тузган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланган шартномалар тузади.

Савдолар иш кунларида мунтазам ўтказиб борилади. Маҳсулотнинг бошланғич нархи нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан декларация қилинган баҳолари даражасида, уларга нефть базаларининг декларация қилинган чекланган устамалари ва темир йўл харажатларини қўшиб белгиланади. Биржа савдоларида шаклланган маҳсулот нархи унинг бошланғич нархидан ошиши натижасида сотувчи томонидан олинган қўшимча даромад унинг ихтиёрида қолади. Биржа савдолари натижалари бўйича маҳсулот нархларининг котировкалари аниқланади ва ҳар ҳафта ОАВ ва Интернет тармоғи саҳифаларида эълон қилиб боради.

**2008 йил 27 апрелдан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 12 апрелдан 19 апрелгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 16-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар орасида «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам бор эди. Мазкур ҳужжатларнинг юртимиз иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Б.ИМИНОВ сўзлаб беради.***

# ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ЯНАДА ФАОЛРОҚ БЎЛАДИ

Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «...инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқими – бу, чет эллик шерикларимиз республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислоҳотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яна бир тасдиғидир. Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса хусусий компания чуқур ислоҳотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди. Бу эса бизнинг зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди», деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ғоясига ҳамоҳанг тарзда 2007 йил 6 декабрда республика ҳукуматининг «Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги 249-сон қарори қабул қилинди. Унда ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига замонавий технология ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек хом ашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш меъёрлари белгилаб берилган.

Мазкур қарор билан 2008 йил 1 январдан бошлаб чет эллик инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун республикамизга олиб кириладиган мол-мулкга божхона божи солишдан озод этилишига оид имтиёзлар устав сармоясида хорижий инвесторнинг улуши камида <u>**33 фоиз бўлган**</u> хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан қўлланиши белгиланди. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, юқоридаги Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун замонавий технологиялар ва ускуналари, уларнинг бутловчи қисмларини, шунингдек хом ашё ва материалларни олиб кираётган чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни қўллашни тартибга солишдан иборатдир.

Мазкур Қонуннинг маъқулланиши билан Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуни 33-моддасига ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига ўзгартишлар киритилди. Мазкур ўзгартишлар чет эллик инвесторлар ва устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкни, шунингдек чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ мамлакатимизда турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкни бож ундиришдан озод қилишга доир имтиёзни қўллаш тартибини мукаммаллаштирилди.

Чунки, «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунннинг 33– ҳамда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддалари божхона божини тўлаш бўйича имтиёзлар айнан кимга – чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга нисбатанми ёки хорижий инвесторларга нисбатан қўлланадими, бу масалада ноаниқликлар мавжуд эди.

Барчамизга маълумки, хорижий инвестор ўзининг фаолиятини чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ташкил этган ҳолда амалга оширади. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ташкил этмаган ҳолда хорижий инвестор ишлаб чиқариш билан шуғулланиши ва тегишлича ишлаб чиқариш эҳтиёжларига эга бўлиши мумкин эмас. Демак, имтиёзларни чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қўлламаслик мамлакатимизда чет эл инвесторларига нисбатан имтиёзлар йўқлигини англатиши мумкин эди.

Қолаверса, амалиёт ҳам бу борада инвесторлар учун берилаётган имтиёзлар ҳамма жойда ҳам бирдек таъминланмаган эди.

Масалан, Самарқанд вилоятидаги «Парвоз» меҳмонхонаси 800 млн сўм инвестиция киритиш шарти билан «Регал» Ўзбекистон-Арабистон қўшма корхонасига сотилган. Инвестор томонидан 500 млн сўмлик меҳмонхона жиҳозлари хориждан келтирилган. Вилоят божхона бошқармаси томонидан эса хориждан келтирилган инвестициядан 50 млн сўмдан кўп миқдорда бож тўланишининг асоссиз талаб этилганлиги Ушбу лойиҳага инвестиция киритиш жараёнини олти ойга кечиктирган.

Шунингдек, «Андижонкабель» очиқ акциядорлик жамиятига акциядор – «Фариал» корхонаси томонидан инвестиция дастури доирасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида хориждан лойиҳалаш-смета ҳужжатлари ва техник иқтисодий асослашлар келтирилиши кўзда тутилган. Вилоят божхона бошқармаси томонидан эса мазкур ҳужжатлар асоссиз интеллектуал мулк сифатида қабул қилиниб, у божхона орқали расмийлаштирилиб, белгиланган тартибда бож тўлаш талаб этилган ва натижада бу ҳолат ҳам имтиёзларнинг турлича талқин этилишига олиб келган. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мана шундан келиб чиқиб, божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгиловчи қонунчилик ҳужжати нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида «Бож тарифи тўғрисида»ги ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун кучга кирди. Эндиликда мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий шерикларни кўпроқ жалб этиш, янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, қолаверса замонавий техника-технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга яхши имкон яратилди.

«Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида ўзига хос қадам бўлди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади **ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, яъни жисмоний ва юридик шахслар учун божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзларни қўллаш тартибини бирхиллаштириш ва тартибга солишдан иборатдир**.

2007 йилнинг 12 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сон қарори қабул қилинганлигини барчамиз яхши биламиз. Мазкур қарорнинг 9-бандида 2008 йилнинг 1 январидан ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси бўлган юридик ва жисмоний шахсларга тўловлар борасидаги қўйилаётган талаб бирхиллаштирилиши белгиланган. Кучга кирган Қонунга кўра, жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, бож ва йиғимлар ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи Божхона кодекси 109-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташланади.

Мазкур Қонун мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, шунингдек божхона ва бошқа органлар томонидан божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг мазмунини ва уларни қўллаш механизмини турлича талқин этишларни бартараф этишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, амалга киритилган бу ҳар икки қонун божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларга енгилликлар бериш орқали иқтисодиётни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

● РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

pr_7-47-03

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- <u>**Хўжалик низосини тез ҳал этиш**</u> (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- <u>**Иш кўришнинг тежамлилиги**</u> (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- <u>**Судьяларнинг малакаси**</u> (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- <u>**Мобиллик**</u> (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- <u>**Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг туғаллиги**</u> (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- <u>**Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,**</u> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

## 2008 ЙИЛНИНГ АПРЕЛЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН

# СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

| *Солиқ солинадиган даромад миқдори* | *Солиқ суммаси* |
|---|---|
| (6 x 76 755) = 460 530 сўмгача | Даромад суммасининг 13 фоизи |
| 460 531 сўмдан (10 x 76 755) = 767 550 сўмгача | 59 868,9 сўм + 460 530 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи |
| 767 551 сўм ва ундан юқори | 115 132,5 сўм + 767 550 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи |

*Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонига биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сўм этиб белгиланган. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3972-сон Фармонига биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 20 865 сўм этиб белгиланди. Январь-апрель ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 76 755 сўмни (18 630 + 18 630 + 18 630 + 20 865) ташкил қилади.*

**I МИСОЛ.** Корхона ходимига апрель ойи учун 112 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-апрель ойлари учун жами даромади 412 000 сўмни (100 000 + 100 000 + 100 000 + 112 000) ташкил этади. Январь-март ойларида ушланган солиқ суммаси 39 000 сўмга тенг.

Унинг апрель ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-апрель ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (412 000 сўм даромаддан):

Ходимнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – 460 530 сўм (76 755 x 6)дан ошмаслиги сабабли, унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади:

412 000 x 13% = 53 560 сўм.

2. Апрель ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

53 560 – 39 000 = 14 560 сўм.

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1%и миқдорида белгиланган (*Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарорининг 2-банди*). Январь-апрель ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридаги мажбурий ушланмалар суммаси 4 120 сўмни (412 000 x 1%) ташкил этади. Январь-март ойларида 3 000 сўм ушлаб қолинган, апрель ойида 1 120 сўм (4 120 – 3 000) ушланиши лозим.

4. Апрель ойи учун бюджетга 13 440 сўм (14 560 – 1 120) даромад солиғи ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%и миқдорида белгиланган (*Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди*). Апрель ойи учун мажбурий суғурта бадаллари ажратмаси ходимнинг барча иш ҳақи суммаси – 112 000 сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси 2 800 сўмни (112 000 x 2,5%) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолинганидан кейин апрель ойи учун иш ҳақи суммаси:

112 000 – 14 560 – 2 800 = 94 640 сўмни ташкил этади.

**II МИСОЛ.** Корхона ходимига апрель ойи учун 225 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-апрель ойлари учун жами даромади 825 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-март ойларида 94 110 сўм солиқ ушланган.

Унинг апрель ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-апрель ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (825 000 сўм даромаддан):

115 132,5 + (825 000 – 767 550) x 25% = 129 495 сўм.

2. Апрель ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

129 495 – 94 110 = 35 385 сўм.

3. Январь-апрель ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 8 250 сўмни (825 000 x 1%) ташкил этади. Январь-март ойларида 6 000 сўм ушлаб қолинган, апрель ойида 2 250 сўм (8 250 – 6 000) ушланиши лозим.

4. Апрель ойи учун бюджетга 33 135 сўм (35 385 – 2 250) даромад солиғи ўтказилади.

**III МИСОЛ.** Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар) апрель ойи учун 225 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Январь-апрель ойлари учун жами даромад 825 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-март ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси 50 992,2 сўмни ташкил этди.

Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 баравари тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-апрель ойлари учун солиқ солинмайдиган жами даромади қуйидагини ташкил этади: 4 x 76 755 = 307 020 сўм.

Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади: 825 000 – 307 020 = 517 980 сўм.

2. Январь-апрель ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (825 000 сўм даромаддан):

59 868,9 + (517 980 – 460 530) x 18% = 70 209,9 сўм.

3. Апрель ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

70 209,9 – 50 992,2 = 19 217,7 сўм.

4. Январь-апрель ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 5 179,8 сўмни (517 980 x 1%) ташкил этади. Январь-март ойларида 3 764,4 сўм ушлаб қолинган, апрель ойида 1 415,4 сўм (5 179,8 – 3 764,4) ушланиши лозим.

5. Апрель ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 17 802,3 сўмга (19 217,7 – 1 415,4) тенг.

**IV МИСОЛ.** Ходимга апрель ойи учун 225 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 50 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИҲнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қийматига, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинмайди.

Ходимнинг январь-апрель ойларидаги жами даромади 875 000 сўмни (200 000 + 50 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-март ойларида 94 110 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад: 875 000 – 50 000 = 825 000 сўмга тенг.

Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.

**V МИСОЛ.** Ходимга апрель ойи учун 225 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИҲнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қийматига, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинмайди.

Ходимнинг январь-апрель ойларидаги жами даромади 975 000 сўмни (200 000 + 150 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-март ойлари учун 103 665 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад: 975 000 – 111 780 = 863 220 сўмга тенг.

2. Январь-апрель ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (863 220 сўм даромаддан):

115 132,5 + (863 220 – 767 550) x 25% = 139 050 сўм.

3. Апрель ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

139 050 – 103 665 = 35 385 сўм.

4. Январь-апрель ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 8 632,2 сўмни (863 220 x 1%) ташкил этади. Январь-март ойларида 6 382,2 сўм ушлаб қолинган, апрель ойида 2 250 сўм (8 632,2 – 6 382,2) ушланиши лозим.

5. Апрель ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 33 135 сўмга (35 385 – 2 250) тенг.

**VI МИСОЛ.** Ходимга апрель ойи учун 225 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан унга январь ойида 250 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.

Ходимнинг январь-апрель ойлари учун жами даромади 1 075 000 сўмни (200 000 + 250 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-март ойлари учун 100 720 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

18 630 x 12 = 223 560 сўм.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз: 1 075 000 – 223 560 = 851 440 сўм.

3. Январь-апрель ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (851 440 сўм даромаддан):

115 132,5 + (851 440 – 767 550) x 25% = 136 105 сўм.

4. Апрель ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

136 105 – 100 720 = 35 385 сўм.

5. Январь-апрель ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 8 514,4 сўмни (851 440 x 1%) ташкил этади. Январь-март ойларида 6 264,4 сўм ушлаб қолинган, апрель ойида 2 250 сўм (8 514,4 – 6 264,4) ушланиши лозим.

6. Апрель ойи учун бюджетга 33 135 сўм (35 385 – 2 250) даромад солиғи ўтказилади.

**VII МИСОЛ.** Ходимга апрель ойи учун 225 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан унинг аризасига биноан апрель ойида унга 300 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.

Ходимнинг январь-апрель ойлари учун жами даромади 1 125 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 300 000) ташкил этади. Январь-март ойларида 94 110 сўм солиқ ушланган.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

20 865 x 12 = 250 380 сўм.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз: 1 125 000 – 250 380 = 874 620 сўм.

3. Январь-апрель ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (874 620 сўм даромаддан):

115 132,5 + (874 620 – 767 550) x 25% = 141 900 сўм.

4. Апрель ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

141 900 – 94 110 = 47 790 сўм.

5. Январь-апрель ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 8 746,2 сўмни (874 620 x 1%) ташкил этади. Январь-март ойларида 6 000 сўм ушлаб қолинган, апрель ойида 2 746,2 сўм (8 746,2 – 6 000) ушланиши лозим.

6. Апрель ойи учун бюджетга 45 043,8 сўм (47 790 – 2 746,2) даромад солиғи ўтказилади.

**VIII МИСОЛ.** Корхона ходимига апрель ойи учун 225 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг буйруғига биноан январь-апрель ойлари учун унга хизмат сафарлари учун «Нексия» русумли шахсий автомобилидан белгиланган тартибда фойдаланганлик учун компенсация тўланди. Компенсациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИҲнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. «Нексия» русумли автомобиллар учун у энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.

Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари жумласига хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар киритилади.

Апрель ойи учун компенсация миқдори 104 325 сўмни (20 865 x 5) ташкил қилади ва белгиланган чегараланган нормадан ошмайди. Январь-апрель ойлари учун умумий компенсация суммаси 383 775 сўмдан (93 150 + 93 150 + 93 150 + 104 325) иборат.

Январь-апрель ойлари учун жами даромад 1 208 775 сўмни (200 000 + 93 150 + 200 000 + 93 150 + 200 000 + 93 150 + 225 000 + 104 325) ташкил этади. Январь-март ойларида 94 110 сўм солиқ ушланган.

Ходимнинг январь-апрель ойларидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади: 1 208 775 – 383 775 = 825 000 сўм.

Кейинги ҳисоб-китоб II мисолдагидек тартибда амалга оширилади.

**IX МИСОЛ.** Март ойида ишга янги ходим қабул қилинган. Унга штат жадвалига мувофиқ март ойи учун 200 000 сўм ва апрель ойи учун 225 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Ходим март ойида бухгалтерияга аввалги асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этмаган.

Солиқ кодекси 186-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Аввалги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Айтиб ўтилганларга асосан, март ойида энг юқори ставка бўйича 50 000 сўм миқдорида солиқ ушланган.

Апрель ойида корхона бухгалтериясига даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилди. Унга мувофиқ ходимнинг январь-февраль ойларидаги иш ҳақи миқдори 300 000 сўмни, ушланган даромад солиғи суммаси 42 822 сўмни ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий ушланмалар суммаси 3 000 сўмни ташкил этган.

Январь-апрель ойлари учун жами даромад 725 000 сўмни (300 000 + 200 000 + 225 000) ташкил этади. Январь-март ойларида 92 822 сўм (42 822 + 50 000) солиқ ушланган.

1. Январь-апрель ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (725 000 сўм даромаддан):

59 868,9 + (725 000 – 460 530) x 18% = 107 473,5 сўм.

2. Апрель ойи учун ушланадиган солиқ суммаси аниқланади:

107 473,5 – 92 822 = 14 651,5 сўм.

3. Январь-апрель ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 7 250 сўмни (725 000 x 1%) ташкил этади. Январь-март ойларида 5 000 сўм ушлаб қолинган, апрель ойида 2 250 сўм (7 250 – 5 000) ушланиши лозим.

4. Апрель ойи учун бюджетга 12 401,5 сўм (14 651,5 – 2 250) даромад солиғи суммаси ўтказилади.

*Ҳисоб-китобни эксперт,*
*Солиқ маслаҳатчилари*
*палатасининг аъзоси*
*Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»;

– «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;

– «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР соғлиқни сақлаш вазирининг «Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР ДСҚ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

• **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 15 МАРТДАН 28 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 16-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 9 январда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 93-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда) **16-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламали ахборотни жойлаштириши шарт. Бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштиради».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти.***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 10 апрель*
*ЎРҚ–150-сон.*

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 11 апрелда эълон қилинган.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЖАРИМА ТАРИҚАСИДАГИ ЖИНОИЙ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 ноябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 94-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил,

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 11 апрелда эълон қилинган.**

№ 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда) **44-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар) **542-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жарима жазосини ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши учун судда узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ҳолда жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда, суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш масаласини ҳал қилиши керак»;

**учинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда) **19-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Маҳкум белгиланган муддатда жаримани ихтиёрий равишда тўламаган тақдирда, жарима суд ижрочиси томонидан мажбурий тартибда ундириб олинади. Жаримани мажбурий ундириш ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган маҳкумга нисбатан қўлланилмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган ва жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойлик муддат ичида жаримани ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари»;

2) **23-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш тўғрисидаги ҳукм асосида берилган ижро варақаси бўйича ижро иши юритиш қўзғатилган тақдирда, ихтиёрий ижро этиш муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой этиб белгиланади»;

3) **30-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«30-модда. Мажбурий ижро этиш муддатлари**

Ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида суд ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак»;

4) қуйидаги мазмундаги **32¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«32¹-модда. Жарима тариқасидаги жиноий жазони жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш**

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд ижрочиси жарима тариқасидаги жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома билан судга ўн кунлик муддат ичида мурожаат қилади»;

5) **34-модданинг 7-бандидаги** «ижро этишни тўхтатиб туриш» деган сўзлар «ижро этишни тўхтатиб туриш (кечиктириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **35-модда** қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) суд ижрочиси томонидан судга жарима тариқасидаги жиноий жазони жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш тўғрисида тақдимнома киритилганда»;

7) **37-модда** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) жарима тариқасидаги жиноий жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганда».

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 10 апрель*
*ЎРҚ–151-сон.*



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 17 (146) • 2008 йил 25 апрель 8

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЪЗИ ФАРМОНЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК АЙРИМЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 95-модда)*

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятида янги унификацияланган Товар номенклатураси (2007 йил версияси) қабул қилинганига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармонига 1-иловага* мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

Белгилансинки, ушбу ўзгартишлар 2008 йилнинг 1 апрелидан кучга киради.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонлари ва айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 28 март*
*ПФ–3982-сон.*

***1-илова рус тилидаги матнда берилган.**

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг 2008 йил 28 мартдаги ПФ–3982-сон Фармонига*
*2-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ФАРМОНЛАРИ ВА АЙРИМ ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пилла маҳсулоти экспортини тартибга солиш тўғрисида» 2000 йил 28 февралдаги ПФ–2553-сон Фармони.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ–3077-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тери, мўйна хом ашёси ва қоракўл экспортини тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 25 августдаги ПФ–2068-сон Фармонининг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги ПФ–2212-сон Фармонининг 1-бандидаги иккинчи хатбоши ва иловаси.

5. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги ПФ–2677-сон Фармонининг 2-бандидаги учинчи хатбоши ва иловаси.

6. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 июлдаги ПФ–3625-сон Фармони иловасининг 2-банди.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 сентябрдаги ПФ–3661-сон Фармони иловасининг 4-банди.

8. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармон ва қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 сентябрдаги ПФ–3800-сон Фармони иловасининг 1-банди.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ФАРМОНИ*

# ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 96-модда)*

Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини, айниқса ёшларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 28 мартдаги ПФ–3588-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 2010 йилнинг 1 апрелигача озод этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 31 мартдаги ПФ–1741-сонли Фармони 2-бандидаги биринчи ва учинчи хатбошилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 1 апрель*
*ПФ–3983-сон.*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# НАҚД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УНГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 97-модда)*

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул маблағларининг узлуксиз берилишини таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ–147-сонли қарорини ижро этиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда тижорат банкларида ва уларнинг филиалларида мижозларнинг биринчи талабига биноан нақд пулларнинг кафолатланган ва узлуксиз берилишини таъминловчи нақд пул маблағлари захираларини шакллантиришга оид нормативлар белгиланди.

Ахборотларни йиғиш ва уларга ишлов беришнинг электрон тизимини жорий этиш асосида тижорат банклари томонидан нақд пул захиралари бўйича белгиланган нормативларга риоя қилиниши устидан кундалик мониторинг таъминланмоқда. Тижорат банкларининг нақд пулларни етарли миқдорда сақлаб туришга оид фаолиятларини рағбатлантиришнинг иқтисодий воситалари жорий этилди.

2008 йил 1 март ҳолатига кўра тижорат банкларида шакллантирилган нақд пул захиралари ҳажми тасдиқланган энг кам захира миқдоридан 2 мартага кўпдир, бу эса аҳолига ва хўжалик субъектларига уларнинг талабига биноан нақд пул маблағларини узлуксиз бериб бориш ҳамда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга жойларда нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, белгиланган савдо ва нақд пул тушумларини инкассация қилиш қоидаларига қатъий риоя этилиши, нақд пул тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда банклар кассаларига кирим қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар ҳали етарли даражада ташкил этилмаган. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида, республиканинг қатор шаҳар ва туманларида банклар кассаларига келиб тушаётган нақд пуллар ҳажми улардаги иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлови учун етарли эмас, бу эса нақд пул маблағларини, уларни қайта тақсимлаш ҳисобига тўлдириш заруратини юзага келтирмоқда.

Мижозларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун тижорат банкларининг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шунингдек, 2008 йилда пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ўртача 1,5 бараварга ошириш тадбирлари амалга оширилиши муносабати билан нақд пул маблағларини банк айланмасига қўшимча равишда жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банклари билан биргаликда 2008 йил 1 апрелдан бошлаб тижорат банклари ва уларнинг филиаллари кассаларида нақд пул захираларининг энг кам миқдорини банклар мижозларининг нақд пул маблағларига бўлган икки кунлик эҳтиёжлари даражасида белгиласин;

республиканинг ҳар бир минтақаси бўйича нақд пул оқими, нақд пулдаги ҳисоб-китоблар ҳолати, тижорат банклари кассаларига нақд пул тушуми ва харажати ҳажмини чуқур таҳлил қилган ҳолда нақд пулларни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ўртасида тезкор равишда қайта тақсимлаб борсин;

белгиланган нақд пул захираларининг энг кам миқдорини иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда мутаносиб равишда ўзгартириш бўйича тезкор чораларни кўрсин;

банкларнинг айланма касса қолдиқларига белгиланган лимитдан ошган пул маблағлари суммасини нақд пул маблағлари захирасига мажбурий тарзда ўтказиш талабига тижорат банклари томонидан риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

Нақд пул захираси бўйича белгиланган нормативларга амал қилинмаган тақдирда тижорат банкларининг масъул шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181 ва 182-моддаларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Марказий банк, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагилар бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин:

нақд пул маблағларининг тўлиқ тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳақиқий товар айланиш ҳажмларини аниқлаган ҳолда мунтазам назорат текширувларини ўтказиш;

нақд тушумларнинг, шу жумладан, юқори ликвидли товарлар, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари савдосидан, алоқа ва йўловчи транспортида хизмат кўрсатишдан, квартира ҳақи ва коммунал тўловлардан, берилган кредитларнинг нақд пулда қайтарилишидан тушган маблағларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда банклар кассаларига келиб тушишини таъминлаш;

юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни нақд пулга улгуржи сотиш ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан қонунга хилоф равишда бўйин товлаш ҳолларига йўл қўймасликка алоҳида эътибор берган ҳолда уларнинг белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя қилишларини, назорат-касса машиналаридан ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишларини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш.

Савдо ва нақд пул тушумини банклар кассаларига топшириш, назорат-касса машиналаридан ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагилар бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин:

пул муомаласи ҳолатини чуқур таҳлил этиш асосида нақд пул маблағларини банклар кассаларига жалб этишнинг мавжуд захираларини аниқлаш, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича касса айланмаларининг чораклик ва ойлик прогнозларини сифатли тайёрлаш;

нақд пул тушумига эга бўлган мижозларни кенг даражада қамраб олган ҳолда инкассация йўналишларини мақбуллаштириш ва кўпайтириш;

аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича ихтисослаштирилган кўчма махсус кассалар тармоғини кенгайтириш.

4. Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси (Ф.М. Муллажонов) ҳар ойда республика минтақаларида банклар кассаларига нақд пуллар тушуми барқарор ошиб боришини таъминлашга доир ишлар аҳволини кўриб чиқсин ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишни кенгайтириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 27 март*
*ПҚ–822-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## ҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН КЎП МАРОТАБА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТАҚИҚЛАНГАН ТИББИЙ АНЖОМ ВА УСКУНАЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 апрелда 1784-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 107-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ–3923-сонли Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–700-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба ишлатиш тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

***Соғлиқни сақлаш вазири***
***Ф.НАЗИРОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 4 март*
*91-сон.*

***2008 йил 14 апрелдан кучга киради.**

*Соғлиқни сақлаш вазирининг*
*2008 йил 4 мартдаги 91-сон буйруғига*
*ИЛОВА*

### ҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН КЎП МАРОТАБА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТАҚИҚЛАНГАН ТИББИЙ АНЖОМ ВА УСКУНАЛАР РЎЙХАТИ

| № | Анжом ва ускуналар номи |
|---|---|
| 1. | Борлар* |
| 2. | Бураваларр |
| 3. | Қин ойналари* |
| 4. | Милк электродлари |
| 5. | Ўт йўлларини дренажлаш учун найчалар |
| 6. | Оддий дренаж найчалар |
| 7. | Дрильборлар* |
| 8. | Нафас фильтрлари |
| 9. | Нафас шланглари* |
| 10. | Блекмор зондлари* |
| 11. | Ошқозон зондлари |
| 12. | Ичаклар интубацияси учун «Эббот» найчалари* |
| 13. | Канал тўлдиргичлар* |
| 14. | Коронарография учун катетерлар |
| 15. | Сийдик катетерлари* |
| 16. | Турли хилдаги катетерлар (периферик веналар, йўналтирувчи ва бошқ.) — ангиокатлар |
| 17. | Эндохирургия учун клипсалар (ўрама) |
| 18. | Кўрик анжомлари комплекти (стоматологияда қўлланиладиган)* |
| 19. | Илдиз ниналари (Миллер ниналари) |
| 20. | Коронар ўтказгичлар* |
| 21. | Жўмраклар (сарфлов воситалари) |
| 22. | Қолип олиш учун қошиқлар (пластмасса) |
| 23. | Анестезия учун тўплам (спинал)* |
| 24. | Трансдермал (тери орқали) дренажлаш учун тўплам |
| 25. | Плазмофильтрлар |
| 26. | Силлиқловчи резиналар* |
| 27. | Пульпаэкстрактор |
| 28. | Римерлар (илдиз каналларини ишлов бериш) |
| 29. | Нафас йўллари санаторлари |
| 30. | Скарификаторлар |
| 31. | Қон тайёрлаш учун шиша идишлар |
| 32. | Консерваланган қон тайёрлаш учун шиша флаконлар |
| 33. | Стерил қўлқоплар |
| 34. | Стоматологик игналар |
| 35. | Файллар (илдиз каналларини ишлов бериш) |
| 36. | Кўп маротаба қўлланиладиган шприцлар |
| 37. | Эндотрахеал трубка ўтказгичи билан* |

***Стериллаш меъёрларига тўғри келган ҳолатларда кўп маротаба ишлатиш мумкин.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ВА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 8 апрелда 1787-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 14-15-сон, 111-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

***2008 йил 18 апрелдан кучга киради.**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1997 йил 1 июлда 97-52-сон билан тасдиқланган Акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотларини ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш ва сотиш тартиби (1997 йил 4 июль, рўйхат рақами 353);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1997 йил 24 сентябрда 97-78-сон билан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1997 йил 22 сентябрда 05/8-71-сон билан тасдиқланган «Акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотларини ва алкоголли ичимликларни мусодара қилиш ва сотиш тартиби»га ўзгартиришлар ва қўшимчалар (1997 йил 2 октябрь, рўйхат рақами 353-1).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Давлат солиқ***
***қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2008-19-сон*

***Давлат божхона***
***қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***
*01-02/22-27-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 25 март.*

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 15 МАРТДАН 28 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 3 мартдаги 19, 2008-15-сонли қарори.*

